

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА •



Абдул Ғани ЖУМА сурати

Саҳифамиздаги ушбу сурат навбатдаги буйрак оператсияси-дан сўнг олинган. Ҳали орадан бир дақиқа ҳам вақт ўтмаганди, ҳали жарроҳ кийимларини алмаштиришга ҳам улгурмаганди.

Дарвоқе, сизлар бу кишини яхши танийсиз, исми шарифи Жуманазар Бекназар. 6—7-саҳифаларда мухбиримизнинг у киши билан қилган суҳбатини ўқийсиз.

УШБУ СОНДА:

АЛИШЕР ШОЙИМ:

ОТАСИГА НЕМИС
ТАН БЕРГАН ОДАМ

3-БЕТ

МУМИН

ХОЛМУРОДОВ:

АВЛИЁЛАР ҲАҚИГА
ҚУРБОНЛИК
ЖОИЗДИР

4-БЕТ



Кейинги сонларда:

СЕВАРА ҲОШИМОВА

«Тоғанг ўзга

юртларда яшайди»

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН:

Ўтмишнинг дарди

«Оила ва жамият» 38 (109)

КЎНГИЛ—КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАДИ

Ҳалиям элдошларимизнинг кўнглидан катта тўйнинг ажиб воқеалари кетгани йўқ. Мана шундай тантаналардан бири Олмаликда Болалар жамғармаси Тошкент вилояти бўлими, Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси, Республика Қизил Ярим ой жамияти ва Олмалик шаҳар ҳокимлиги томонидан уюштирилди.

Шаҳарнинг катта боғида, Кимёгарлар саройида Тошкент вилоятининг турли жойларидан таклиф этилган ота-оналар ва 500 нафар ногирон ва кўнгли ярим болаларга турли томошалар, спорт ўйинлари кўрсатилди. Шу кунни Болалар жамғармаси Тошкент вилояти бўлими томонидан 100 минг сўм пул ва 2 та махсус аравача болаларга совға тариқасида улашилди.

Тошкент вилояти бўлими бошлиғи Мунира Солиҳова сайилдан тўқинлиниб шундай деди:— Тўғриси мен бу байрамни бунчалик кўтаринки руҳда ўтишини, тасаввур этмагандим ҳам. Биласизми, мустақиллигимиз шабадалари ҳамма жойда зсапти. Ногирон бўлсада, бу болалар ҳам барча болалар каби бай-

рам қилдилар, шодликлардан баҳраманд бўлдилар. Гап совғаларда эмас. Энг муҳими, уларнинг кўнгли бир лаҳза бўлсада кўтарилди. Шу кезде уларга термулиб янаям меҳримиз ошиб кетди. Кўнглимиз роҳатланди...

Сайил узоқ давом этди, Суғониб кетган санъаткор болалар ҳам иштирокчиларга 2 соат узлуксиз ўз концерт томошаларини намойиш этдилар. Айниқса Олмалик шаҳридаги кар-соқовлар интернат-мактаби ўқувчиларининг чиқишлари ҳаммага хайратга солди. Таажубланарлиси, улар эшитмайди-лар, сўзламайдилар, лекин меҳр тўла нигоҳлари билан хушвақтликни ҳис қилишди, чиройли рақсга тушдишди. Ҳар бир ижроичига 1000 сўмдан пул турли мукофотлар берилди. Энг юқори савр-инг ангерлик 11 ёшли Фирдавс исми болага насиб этди.

Фирдавс—истеъодли бола. Уни ҳамма севиб қолди. Худойим Фирдавсга қайноқ юрак, куч-ғайрат ато этгани фақат... уни қора кўзларига бу гўзал оламини кўрмоқни ва оёқлари ила юрмоқдан

сиққан. У оятлар ўқийди, қўшиқлар куйлайди. Унинг хали ҳаётдан умидлари кўп, орзулари мўл. Фирдавсни саҳнага отаси кўтариб чиқиб куйлатганда бутун залдагилар кўзларидан беихтиёр ёш куйилиб узоқ олқишлашди... Концерт мароқли ва жуда тасвирчан ўтди.

Хуллас, байрам байрамдек бўлди. Кўплаб иқтидорли кичкинтойларнинг қобилиятларини англайдиган ва бундай болаларга албатта шарт-шароит яратиб ва айрим танловларни ташкиллаштириш тўғрисида келишилиб, келгусида амалга оширишга қаратилган унутилмас айём бўлди, десак хато бўлмас.

Шундай кунда юқорида айтиб ўтган жамғарма ва ташкилотларнинг меҳрибонлиги, ташаббускорлиги бизни ҳам бениҳоя қувонтирди. Фақат ўзини эмас, ўзгаларни ҳам, қолаверса, етимларнинг бошини силаётган инсонларнинг албатта Оллоҳ Таоло мушкулларини осон етиб, ишларига ривож бергай. Муҳими, бу ёруғ оламда инсондан Меҳр-муҳаббат қолиши ҳақ экан.

Дилбар РАҲИМ қизи

ЕТТИ КУН

ЮРТИМИЗНИНГ ИЛК САЙЁҲИ

Ўзбекистонни велосипедда кезиб чиққан сайёҳ, Амриқонинг Сиэтл шаҳрига 160 кунда етиб бориб «Рекордлар китоби»га киришга даъвогар Шокир АҲРОР ўгли олдин маълум қилганимиздек, Наврўз кунни дунё бўйлаб сайрга отланмоқчи. Сафар вақти ҳам яқинлашмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз доврўғини жаҳонга ёйиш ниятидаги ёш журналист-сайёҳга юртимиз Ёшлар Иттифоқи 200 минг рубл ажратди. Раҳмат!

Хайрли ишга бош қўшмоқчи истагидаги саҳоватпеша ташкилотлар юрт фидоийлари бўлса, марҳамат! Шокир Аҳрор ўғлининг ҳисоб рақами—000700412 МФО—172682309 Саноат қурилиш банки Тошкент шаҳар Собир Раҳимов бўлими, ТошДД Ёшлар Иттифоқи Раёсати.

ДЎСТЛАР ҲАЗИЛИ

Тошкент шаҳридаги «Скопле» магазинига Италиянинг пойафзаллари келганди. Савдо ходимларининг қувончини кўрсангиз... Бир оздан сўнг эса қувончлари тумандек тарқади. Италиялик «шаввозлар» ҳазил қилмоқчи бўлишган чоғи, қўтидаги туфлиларнинг барчаси бир хил; ё ўнг ё чап.

Жонкуар ходимларнинг тахлашга сарфлаган вақтлари зое кетди. Чунки молларнинг ўлчови ҳам тўғри келмаскан.

КАМИДА ЭРКИН ВОҲИДДЕК

Андижон вилоятининг Избоскан туманида шоир Эркин Воҳид номидаги ижодкор ёшлар уюшмаси иш бошлади. Унинг мақсади камида Эркин Воҳиддек шоир ва ёзувчи бўладиган истеъодли ёшларга дастлабки мактаб бўлиш. Жамоа ҳадемай Эркин аканинг ўзини ҳам меҳмонларнинг тахлашга сарфлаган вақтлари зое кетди.

Дарвоқе, уюшманинг ҳолийси туман ҳокимлиги бўлди.

МУКОФОТ КИМНИКИ!..

Сурхондарё вилоят қасаба уюшмаларининг Адиб Собир Термизий номидаги йиллик мукофотининг таъсис этилганига икки йил бўлди. Улуғ шоир номидаги мукофотни бу йил ёзувчи Менгзиё Сафаров, баҳши-шоир Шоберди Болтаев, мусаввир Турсунпўлат Уроқовлар олишди. Мукофот соҳибларига кўнрақ нишони ва ўттиз минг рублдан пул ҳам берилди.

БОР БАРАКА...

Нуротадаги 13-мактабда бир йил франсуз, бир йил инглиз, орада эса баъзан немис тили ҳам «ўргатилмоқда». Узунқулоқ гапларга қараганда бу тақриба бошқа баъзи мактабларда ҳам синовдан ўтказилаётган экан.

БИР ДАҚИҚАДА

Шу туманининг Қирҳовут қишлоғида эса уста Муҳиддин тиш оғриқларини мотосекл тўки билан даволамоқда. Қизиги, мотосекл ёқилган заҳоти ақсарият болаларнинг тиш оғриқлари таққа тўхтаб қолмоқда.

«Э, ҚОЙИЛ!»

Мотосеклда ўтириб, [уни ўғирлатмаслик учун] курашли тўйни қони неча бор гупурсада курашмай томоша қилаётган қирҳовутлик Худойберди полвон тўй туғанда: «Ваҳ, э, қойил!» деб юборди. Гап шундаки, мотосекл аккумуляторини ва бак тўла бензинни «шимо» қилиб кетишди.



Ёлғош ХУЖАМБЕРДИЕВ сурати

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Ассалому алайкум Ҳурматли «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»

Мен 16 ёшлигимдан 8 нафар фарзандимни тарбиялаб, катта қилдим. Ҳозир шиламаганим учун нафақа олмаялман. Менга нафақа тўланадими, йўқми?

Ҳалима АЗИМБОЕВА

Охангарон шаҳри

Ушбу саволга Мирзо Улуғбек тумани ижтимоий-таъминот бўлими мудири, ҳуқуқшунос Гулнора ЙУЛЧИЕВА жавоб беради:

— Қадри Халима опа, сизга бугунги ку да ҳеч қанақа нафақа тўланмаётган қонуний тўғри. Чунки хатингиздан маълум бўлишича, сиз ҳеч қерда ишламагансиз. Фақат 8 фарзандни тарбиялаб вояга етказгансиз. Демак, сиз ҳеч қандай меҳнат стажига эга эмассиз. Сизга фарзандларингизга қараганлигингиз учун, 6 йил меҳнат стажини қўшилиши керак, бу фарзандлар сонининг қанча бўлишдан қатъий назар. Ёшингиз 56 да экан. Сиз каби аёллар 60 ёшда, эркаклар эса 65 ёшда

нафақа олиши мўмкин. Агар фарзандларингиздан бирортаси ногирон бўлса [ғуруҳининг аҳамияти йўқ] сизга фарзандингизга қаровчи сифатида ижтимоий-таъминот бўлимидан нафақа таяинланади. Бунинг учун ҳамма керакли ҳужжатлар туман ижтимоий-таъминот бўлимига тақдим этилади.

Мен Муҳаммадиева ҚИЗЛАРГУЛ сизларга қуйидаги мазмунда хат йўллаялман. Умид қиламанки, унга баҳоли қудрат жавоб берасизлар. Икки болам билан турмуш ўртоғимдан ажрашганман. Ёшим 27 да. Турли идораларга елиб-югуравериб чарчайдим. Эрим юборган 120 сўм алимент ҳаттоки йўл пулими ҳам қопламайди (уни Дўстлик туманидан олиб келаман). Бу ерда икки фарзандим ейман-ичман дейди. Ҳеч қерда ишламасам. Иш сўраб борган жойда эртага келинг, индинга келинг деган жавобни ишга бериб охириг умид билан сизларга мурожаат этаялман.

Айтингчи, менга қаровчисини йўқотган ёлғиз она сифатида ҳуқуқимти

мизнинг қандай ҳуқуқ ва имтиёзлари берилган. Мен эримнинг 120 сўмлик алиментидан воз кечиб судга тилхат ёзиб берганман. Бир йил бўлди алиментни ололмаганимга, болаларга эса ҳеч қердан ёрдам пули берилмайди. Менга бирор маслаҳат берасизлар деган умиддаман.

Жиззах вилояти. Галлаорол тумани

Синглим Қизларгул, сизнинг ушбу дард билан ёзилган мактубингизга қуйидаги жавобни ёзиб юборишни лозим топдим.

— Сизга ҳуқуқий идоралар томонидан адолатсизлик қилинган хат мазмунидан кўришиб турибди. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда энг кам ойлик 11 минг 125 сўм бўлиб турган бир даврда 120 сўм алимент пули белгиланиши мутлақо ноқонуний. Чунки сиз икки фарзандингиз учун қонуний 600 сўмдан 1200 сўм пул олишингиз керак. Сизга эрингиз мао-

шининг хоҳ 50, ёки 30-40 фозини миқдорда алимент ундириб берилганда ҳам 120 сўм эмас, балки маошнинг ошишига қараб белгиланиши керак. Сиз судга алиментдан воз кечиб берган аризангиз инobatга олинмайдми. Сизга туман суди эрингиздан зудлик билан алимент ундириб бериш йўларини қидириши керак. Сиз ишга жойлашингиз учун Галлаорол туман меҳнат биржасига бориб ариза беришингиз керак. Улар сизни мутахассислигингиз бўйича 6 ой ичида ишга жойлаштириши керак. Агар бу мuddат ичида ишга жойлаша олмасангиз, 6 ойдан сўнг сизга меҳнат биржаси маош [яъни товош] пули тўлай бошлайди. Энди болаларингизга келсак, улар қаровчисини йўқотмаган, яъни онаси ҳам бор, отаси ҳам. Уларга отаси алимент тўлапти. Агар тўламаса, қонуний йўл билан тўлатишингиз мўмкин. Сиз яхшиси яна бир бор туман судига мурожаат қилинг.

Б. ОРИПОВ тайёрлади



Собир Умаров 29 йил муқаддам Қўшрабонтнинг тоғли Қувкалла қишлоғида туғилган. Собир ўрта мактабда тузуккина ўқиган. Шу боис унга тилла нишон беришган. Яқинда у яна бир мукофот соҳиби бўлди. Унча-мунчама — Давлат мукофоти.

«Орзуга тўла қишлоқ», «Овлоқ адирлар бағрида» номли китоблари учун. Турк адаби Бикир Юлдузининг «Қарбало фожияси» асарини ўзбекчага ўқирган. Қўп ижодкорлар каби журналистикани тамомлаган.

Ҳозир «Ешлик» журналида Бош муҳаррир мувини. Жуфти ҳалоли Иқтисодиёт Дорилфунунда ишлайди, ўғлининг исми Оловоддин, уч ёшда.

билиш, табиий етказа олиш қобилияти кучли. Шодиқул Ҳамро ва Абдуқаюм Йўлдош асарларидаги чуқур тафаккур янаям умидли.

— Адабиётнинг мавзуси бўлади! Нима ҳақда ёзиш керак!

— Адабиётнинг мангу ва мутлоқ мавзуси бор. Бу — инсон. Нима ҳақда ёзиш эса муаллифининг эрки. Бу жуда буюк эрк. Нимани ёзсам эплаб ёзма бўлгани, қойил қолаверасиз. Мисол учун ҳеч ким Э. Сетон-Томпсончалик ҳайвонлар дунёсини мукамал очиб беролмаган. Унинг асарларини ўқисангиз, одамлар ҳақида ёзилган қиссалардан кўра кўпроқ завқ оласиз. Гап нима ҳақда эмас, қандай ёза билишда. Мавзу эса нисбий тушунча.

— Исмнингизни ким қўйган! Қанақадир исм-шарифингизда боғланиш мавжуд, менимча. Халқ мақолига яқинроқ, «Сабрли ўнар» дегандек...

— Исмимни онам қўйган. Суриштириб кўрмаганман, ҳар ҳолда акам билан менинг ёшим ўртасида 7 йил фарқ бор. Эҳтимол, шунга ирим қилишгандир. Лекин ростдан ҳам сабрли одамман. Бобомнинг исми эса соф ўзбекча.

— Шоиримиз «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал, Сўнгра бутун бўлсин дўстининг иймони...»,

— дейди. Уйингиз, дўстларингиз ҳақида...

— Уйимдан кўнглим тўқ, дўстларимга эса «гап йўқ».

— «Аёл кишининг Ватани унинг

боз-бояғидай, кўришиб, яхши гаплашиб юрбимиз.

— «Ешлик» журнали Бош муҳаррири ўринбосарисиз, айтиш жоизки, журнал ўқишли, яхши чиқяпти. Юртимиз ёшларининг ягона адабий-бадний журналининг иқтисоди эса... янги сони учтаси бир бўлиб чиқибди...

— «Ешлик» Ўзбекистон ижодкор ёшларининг энг катта маънавий бойлиги. Надоматки, иқтисодий бўҳроннинг қора булутли журнал бошига ҳам куюқ соя ташлаб турибди. Биз нима қилиб бўлса ҳам журнални сақлаб қолиш ҳаракатидамыз. Иқтисодий аҳвол мажбур қилса, тўртта сонни битта қилиш ҳам мумкин. Начора, бу бизнинг айбимиз эмас. Зўр-базўр чиқиб турган нашрга сиёсий хато юклагша шошилаётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Агар рост бўлса, шу кеча-кундузда бир хушxabар эшитдик. «Матбуот» жамғармасидан «Ешлик» учун ҳам улуш тегибди, ишқилиб ушбу мужадда фаришталар омин деган бўлсин.

— Жуда юксак мукофот соҳиби бўлдингиз. Мукофот залвори остида ижодингиз қандай бўлади! Бу ёғи бозор...

— Дастлаб ижод қила бошлаганимда мукофот деган нарсалар хаёлимнинг кўчасига ҳам кирмаган. Иккита китоб чиқарганимдан кейин Ўзбе-

— Аввало, мукофот муборак Собир ака! Қалай энди, мукофот қандай бўларкан!

— Раҳмат. Қандай бўларди — яхши-да! Лекин ҳали мукофотнинг пулиниям, ўзиниям кўрганим йўқ. Муҳими — фармон эълон қилинди. Бу ҳам бўлса Мустақилликнинг шарофати.

— Янги мукофотнинг илк совриндорларидан бўлдингиз. Шу пайтгача бизда кўп унвонлар бор эди. Бугунга келиб кўпи йўқолди. Уларнинг баъзи соҳиблари ҳам гўёки, «уялганликларини» айтишди. Сиз қандай ўйлайсиз, ёшларинг бу мукофоти...

— Ёш ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида ушбу мукофотнинг таъсис этилгани жуда яхши, албатта.

Менимча, бу мукофот Сиз тилга олганлари каби омонат бўлмайди. Чунки у фалончи ёки пистончининг номидеги эмас, Давлат мукофоти — тамом. Давлатимиз эса Худо хоҳласа, боқийдир.

— Ёзганларингизда бировга тақлид сезилмайди. Деярли барча ҳикояларингизда бизга таниш ўша сакройи самимият, халқона оҳанг қанқиб турибди. Бунинг сабаби нима!

— Биласизми, ёзувчи одам ҳар кун ёзиши керак. Лекин мен унақа эмасман. Биринчидан, дангасаман, иккинчидан, самимий ёзмасам ёзолмайман. Ҳафталаб қоғозга яқинлашолмай ҳам юравераман. Битта ҳолат ёҳуд манзарадан таъсирлансам, ёзман кўяман. Хуллас, ёзиш тартибимда бировга ҳеч ўрناق бўлгулик жиҳат йўқ.

— Кўпроқ қишлоқ ҳаётини қаламга олсан. Жумладан, китобларингиз номланишидаёқ бир муштарак тўйга уйғунлиги аниқлашди. «Орзуга тўла қишлоқ», «Овлоқ адирлар...»

— Китобларимнинг номланиши-ю ҳикояларимда қишлоқ ҳаётини кўпроқ қаламга олишим табиий бир ҳол; ўзим туғилиб ўсган, ота-онам, боболарим, қон-қариндошларимни вояга етказган, қадрдон макон бу — она қишлоғим. Ҳамқишлоқларимнинг дардлари ҳам, қувончлари ҳам мен учун тушунарли ва қадрлидир. Аёнки, менинг тақдирим ҳам уларникига туташ. Буларни четлаб ўтиб, бутунлай бошқа нарсаларни ёзсам ўзимни алдаган бўламан. Қолаверса, ҳали унчалик қойил қилиб кўйганим ҳам йўқ. Улуғ ёзувчиларнинг аксарияти ўз асарларини бизнинг ёшимизда дўндириб қўйишган.

— Собир ака, энди бироз чекиниб, бевосита ўзингиз ҳақингизда. Мактабни «Олтин нишон» билан тугатган экансиз, ҳозир ўша нишон ўзингиздами!

— Нурота тизмасининг бир биқинида Қувкалла деган қишлоқ бор. Киндик қоним ўша ерда тўкилган. Оқу қорани ўша ерда танганман. Уша ерда суягим қотган. Мактабда «беш»га ўқиганман. Кўпчилик қаламқашларга ўхшаб математикани ёмон кўрардим, ўзимни зўрлаб ўқирдим. Ростдан ҳам мактабни «Олтин нишон» билан битирганман. Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факултетига ўз кучим билан кириб, 1986 йили тугатдим. Битта хотиним, битта фарзандим бор. Дарвоқе, «Олтин нишон» ўзимда. Уни тақшнинг имкони бўлмагани учун жомадонга солиб қўйибман.

— Отангиз полвон эмаёми! [Биз бу саволи Собир аканинг келбатурувига қараб бердик].

— Отам дашт ҳавосини олган, полвон одам. Деганимки, касби — чўпон. Худога шукрки, ҳозир ҳам мендан бақувватроқ. Бироқ умрида биров билан курашмаган. Узининг айтишича, уруш йиллари қишлоғимизга сургун бўлиб келган бир новча немис билан итаришиб қолган экан. «Менга тан берган» деб қўяди... Унар бобомни ҳам яхши эслайман. У киши ёши 70 дан ошган чоғларидеям қақиримча наридаги чорбоғдан бир боғ ўтни эшакка юклагша эриниб, елкасига ташлаб келаверарди. Унча ўтни худо билади, биз ҳозир ҳам кўтариб эшакнинг белига қўёлмасак керак. 14-кашлиш киярди, шундан хулоса қилаверинг.

— Шоирларни ўқиб турасизми! Ёш носир дўстларингизни-чи!

— Ёш шоирлардан Иқбол, Фулом Мирзо, Салим Ашур, Вафо Файзулло, Абдувоҳид Ҳайит, Гуландом Тоғаева, Рустам Мусурмоннинг шеърларини ёқтариб ўқийман. Улар чин истеъдод соҳиблари эканлиги ҳар бир ёзган нарсасидан кўриниб турибди. Афсуски, ҳали биронтасининг китоби чиқмаган. Носирлардан Тўхтамурад Рустамга ҳавас қилиш мумкин. Лўқмон Бўрихон ҳикояларида инсон табиатидаги нозик жиҳатларни илғай

эридир, деган гапга қандай қарайсиз!

— Елғиз ўзинг оила тебратишга қийналиб қолсанг, шунда хотининг қабатинга кириб «мен ҳам ишлай қолай» деса, йўқ, дейсизми? «Сенинг ватанинг — мен» дея оласизми, шунда!

— Ҳикояларингизда кўпроқ оилалар «иштирок этади». «Алла», «Кунсулувнинг сирли хатлари», «Қишлоқликлар»да қишлоқ оилалари дангалчасига тасвирланган. Бу ижодкорни чеклаб қўймайдими!

— Ижодкор қўлига қалам олар экан, унга нимадир туртки берган, қалбида бир ғалаён пайдо бўлган. Ушанда бу ҳақда ёзсам ўзимни чеклаб қўяман-ку, деб сираям хаёлига келтирмайди. Тўғри кузатсангиз; кўпроқ оддий оилалар ҳақида ёзганман. Лекин уларнинг мавзулари ҳар хил, қайси бир жиҳати билан мени қийнагани учун тасвирлаганман. Шунинг учундир у ҳикояларни баъзан қайта ўқисам ҳам унчалик зерикмайман.

Лев Толстойнинг бир гапи бор: «Оилада бахтли бўлмаган инсон ҳеч қачон бахтли бўлолмайди».

— Яна бир гап Собир ака, мукофот номзодлари — Ҳалим Сайид, Абдувоҳид Ҳайит, Афтондил Эркинов жўраларингиз, ака-укасизлар. «Тепишиб» юрган ҳамкасбларингиз. Демокчманки, бир мукофотга номзодларнинг қўйилиши ораларингизга ихтилоф солмайди! Ҳар ҳолда... Сиз улоқни олиб кетдингиз. Қандай ҳаёлдасиз, улар билан энди йўлда кўришганда чаппа қараб ўтишмасмикан!

— Битта нарсадан астойдил мактансини мумкин. Мен мансуб бўлган авлод ҳали сафи бутун авлод. Бу бутунликини мансаб ҳам, пул ҳам, мукофот ҳам ҳозиргача бузишга улгурмаган, бундан кейин ҳам. Мукофот номзодларининг ҳар бири арзийдиган ижодкор. Мабодо мукофот менга тақдир қилмаганда ҳам буни фожиа деб тушунмаган бўлардим. Ҳалимжон ҳам, Абдувоҳид ҳам, Афтондил ҳам мукофотдан устун турадиган йигитлар. У каминага насиб этибди, бу дегани менинг уларга ғаразим борлигини билдирмайди. Шу тўғайли биз

ОТАСИГА НЕМИС ТАН БЕРГАН ОДАМ



ЁЗУВЧИ РАФИҚАСИ ВА УЎЛИ ОЛОВИДДИН БИЛАН

кистон мустақил бўлади, мустақил мамлакатнинг биринчи Давлат мукофоти шу мўъжаз китобчалар учун берилади деган хаёл ҳам етти ухлаб тушинга кирган эмас. Эҳ, бу руҳпарвар кўнларнинг садағаси кетсанг арзийди. Муҳими мукофот эмас, муҳими — Мустақиллик! Янаям муҳими — одил сиёсат! Чин маънодаги истиқлол учун ижодкор ижод, жонни-да бағчилаши керак.

— Раҳмат. Ижодингизга барака. Бизнинг газетга ҳам ёзиб туринг.

Алишер ШОЙИМ,
«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» муҳбири

Хафтаноманинг 26-сонида босилган «Авлиёлар қурбонлик сўрамайдилар» мақоласини ўқиб ўйланиб қолдим. Муаллиф зиёратга эмас, дам олгани борганга ўхшайди. Тўртовлари Хўжаикот ота ёнлариде эмас, Халқаёр дарёси бўйида тунаб чиқишбди. М. АБУЛ-ФАЙЗИНИНГ ҳаракати саксонинчи йилларда зиёрат қилувчиларга қарши уюштирилладиган рейдларни эслатди. «Ниятимиз — одамлар кўпайиб қолмасдан зиёрат қилиш эди» Одамлар кўпайиб қолишининг нима зарари бор экан? «Одатга кўра, аввал совуқ сувга тушиб таҳорат олдик. «Ахир, чўмилиш таҳорат ҳисобланмайдик-ку!

«Эркаклардан ҳам хотин-қизлар кўп эди, бир-биридан сара ялтур-юлтур кийинган киз-жувонлар...» Зиёратчиларнинг гўзаллиги, уларнинг кийиниши муҳбирнинг кўзини ўйнатиб юборган. Худо кечирсин.

«...барча уловдагилар ўзлари билан ҳўкиз, бузоқ, қўй, серка, ҳеч бўлмаганда улоқ олиб келишган. Тинимсиз мол сўйилиб турди, жаз-жузлар бошланди. Бу ерда сўйилган ҳар бир молнинг сони териси ва калла-пойчаси «шайхларга назр қилинади. («Шайхлар эса калла-пойчани дарров улоқтириб юборишадик!»)

Бир мулоҳаза қилайлик, муҳбир ўтган йилги воқеани ёзди. Бу йил ҳам зиёратга чиқиб одамларни кузатса яхши бўлармиди? Бозор иқтисодиёти зиёратчиларнинг мол олиб келишига қандай таъсир қилганини кўриши мумкин эди. Тани сўхатлиқни ўйлаган мусулмон киши борки, атаган бўлса барибор олиб келеради. Чунки инсон эътиқодини ҳеч нарса на йўқчилик, на да қимматчилик буға олади.

«Шайхлар авлиё бобо ортидан кун қўлиб мол йўғади, — дейди муаллиф. Оллоҳ таоло барчага бирдек ризқ насиба беради. Бандасидан лозими эса ҳаракат. Тангри ўз инъомини ана шу ҳаракатга қараб тақсимлайди.

«Авлиёлар қурбонлик сўрамайдилар» мақоласи ва унга акс-садо сифатида М. Холмуродов томонидан ёзилган юқоридаги мактубни ўқиган киши бирдан ўзига ўзи «Ким ҳақ экан?» дея савол бериши турган гап.

Кимнинг ҳақлигини аниқлаш учун фақат Исломи дин тарихига, шариат ҳукмларига битилган ашъорларга диққат билан кўз югуртириш зарур бўлади.

КИМ ҲАҚ?

Пайгамбарлар: Набийлар ва Расуллар орқали ўз замонасидаги қавмларни доимо тўғри йўлга бошлаш, Яратгандан қўрқиб, ер юзида гуноҳ ишларни тарқатишдан тийилиш, энг асосийси, бутун оламлар Роббисига ибодатда бўлишликни эслатиб турши мақсадида Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло Мусо алайҳиссаломга «Таврот»ни, Довуд алайҳиссаломга «Забур»ни, Исо алайҳиссаломга «Инжил»ни, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга «Қуръони карим»ни нозил қилди.

Мусо, Довуд, Исо алайҳиссаломлар дунёдан ўтган, уларнинг қавми ҳақ йўлидан адашиш дардига мубтало бўлдилар. Пайгамбарларидан қолган муқаддас китобларга ўзларича ҳар хил тузатиш ва қўшимчалар киритишди, ўз замонасидаги подшоҳ ва ҳокимлар номини хутбаларга қўшиб ўқишадиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, бу қавмлар Оллоҳнинг ғазабига учради.

Еру осмонлар соҳиб, қудратли ва салоятли Зот янги бир дин, янги бир китоб ва ўзининг энг сўнгги пайгамбарни бўлишликни ирода қилди. Не бахтим, Исломи номини олган бу дин қавми «Қуръони карим» аталмиш китоб эгалари ва икки олам сарвари бўлган зот умматлари бўлиш сизу биз мусулмонларга насиб этди.

Пайгамбаримиз вафотларидан сўнг барча диний ишларни, шариат ҳукмларини тўрт ҳалифа Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрат Умар, Ҳазрат Усмон, Ҳазрат Али разияллоҳу анҳулар амалга ошир-

«Шайхлар назр қилинган калла-пойчани улоқтириб юборишадиган экан. Кимки ношукрлик қилса, шунга яраша жазо олади.

Ҳадислардан, Сўфи Оллоёрдан келтирилган кўчирмаларга эътиросим йўқ.

Муаллиф зиёратдан қайтаркан, «...Бирининг пинжига кирит олганча юқорилаётган йигит-қизлар,

АВЛИЁЛАР ҲАҚИГА ҚУРБОНЛИК ЖОИЗДИР

харсанглар устида ётган киз-жувонлар кўз олдидан ўтади. Йигит-қизлар зиёратгоҳдаки ўзларини тиёлмаган, яхши туртолмаган бўлсалар бу уларнинг тарбиясизлиги, кўнгил чигилини ёзмиш учун дам олмиша борганини билдиради. Шундай азиз жойга-я! Ҳақиқий кўфрона қилиқлар.

Мен ҳам зиёратларда бўлганман. Лекин зиёратчиларнинг ўзларини бундай тутишларини кўрмаганман. Бизнинг Қашқадарёда ҳам Авлиёлар кўп Одамлар зиёратга бориб туришади. Аввало зиёратдан мақсад бўлади. Биров дардига шифо, биров фарзанд тилайди. Зиёратчилар Авлиёларга илтижо қилиб, тилагини айтишади. Билган, тушунган инсон борки, Авлиёларга илтижо қилишдан олдин «Аввало Худо» дейди. Ниятининг жобий бўлишида Авлиёлар воситачили қилади. Ҳўкиз, қўй, эчки бекорга зиёратгоҳларга келтириб сўйилмайди. Шифо, фарзанд, бахти очилишини тилаган кишилар нияти амалга ошса, кўнг-

ди. Ундан кейин амирлар, подшоҳлар шариат ва Қуръон ҳўкими билан халқ ва ҳўкимиятни бошқариб туришади. Орадан йиллар ўтиб, фитнес-фасод бутун ер юзини эгаллади. Ана шунда Исломига анча-мунча путур этди. Инсонлар шариат ҳўкими қолиб бидъат ва ҳўрофотга ружу қўйдилар. Авлиё-ю анбиёларга, қабрларга сиғиниш яна юзага келди. Бу эса, ўз навбатида ер юзи халқлари ўртасида шахсга

сиғинишдек номақбул одатни ривожлантирди. Хўш, авлиёлар кимлар? Улар қабрига сиғинса бўладими? Аввало бу нарсани яхши билиб ва унга қаттиқ амал қилмоқ лозимки, авлиёлар, сиддиқ муҳаддислар ҳам сизу бизга ўхшаган Оллоҳнинг гуноҳкор бандалари. Фақат улар ўз умрларини тақвога, ибодатга, илмга бағишлаб, Оллоҳнинг розилигига эришишган.

Икки дунёда гуноҳларидан поклаб қўйилган, охиратда жаннат эгаси, мусулмонлар шафватчиси бўлишдек олий мукофотга сазовор бўлган бўлсалар-да, пайгамбаримиз саҳобаларида бир сўзни жуда кўп такрорлардилар: «Мен ҳам сизлар каби Оллоҳнинг гуноҳкор бандасиман». Шу боис, ул зот саҳобаларини ўзларига ортиқча тавозе кўрсатишига руҳсат эмас эдилар. Исломидаги оддий ва айна пайтада энг асосий ана шу суннат бузулганлигидан буюк халқимиз Парвардигор қолиб қабрлардан, зиёратгоҳлардан мадад сўрайдиган ҳолатга келди.

М. Холмуродов ўз мактубида авлиёларни Худо билан бандаси ўртасидаги воситачи деб таърифлайди ва кишиларни улар орқали Худога сиғинишга ҳалақит бермайлик, дейди. Ҳўш, ўзидан кўриниб турибдики, хат муаллифи Исломи, авлиё-анбиёлар тарихидан, умуман диний ва миллий урф-одатлардан тўлиқ хабардор эмас.

Авлиёлар ҳеч қачон бандаси билан Яратган ўртасида воситачили қилмаган! Бу вазифани фақат айрим пайгамбарлар бажарган, халос. Кишилик

лидагини атайди. Хўп, муаллиф сари ҳам борайлик. Худо йўлига аталган мол қаерда сўйилгани маъқул! Ахир, Худо билан банда ўртасида воситачи бўлган Авлиё бобо экан, у кишининг хизматлари эвазига ёнларига олиб бориб сўйилса нимаси ёмон? Лекин атаган ҳам, қасос ҳам Худо йўлига бағишлашни унутмаслиги керак. Вилоятимиздаги зиёратгоҳлардан

бирида бўлиб ўтган воқеа сира эсимдан чиқмайди. Биз ҳам барақат борган эдик. Биров бўғирсоқ, биров чўзма, кимдир патир, нон олиб келган. Қабристон қоровули дуои фотиҳа ўқийди. Келувчилар назру ниёз ташлайди. Шайх моллар ҳам 5—6 нафар Уларнинг ҳар қайси ён томонларига ўз дастурхонларини ёзиб олган. Шайхлардан бири зиёратчи дастурхонини ёзади-да келтирилган нарсани барабар тақсимлайди.

Шу пайт бир киши ширвоз қўзи олиб келиб қолди. Шайх дарҳол сўйиб гўштини шайх кампирлар билан бўлиб олди. Демак, Худо йўлига аталган жонлиқ ҳам талаш бўлди. Ишқилиб даргоҳига қабул қилган бўлсин.

Шундан сўнг шайх бободан баъзи нарсаларни сўраша қўзим эдим. Жавобларидан аниқ бўлдики, улар келтирилган молни хомталаш қилишни маъқул қўришар экан.

Мен медитация усулида Авлиё бобо билан мулоқотга киришдим. Авлиё-бобо шайхларнинг хатоларини эслат-

жамиятида Исломи дини юзага келгач, Оллоҳга иймон келтирган ҳеч бир қавм, бандаси орқали Худога сиғинган эмас!

Авлиё-ю анбиёлар бундан бир неча юз йил илгари яшаб ўтган бўлишса, қандай қилиб бугун улардан ёрдам сўраш, улар орқали, уларнинг қабри орқали Худога сиғиниш мумкин?

Бу саволга биргина жавоб, Худога қайси йўл билан сиғинишни билиб олишдир. Маълумки, насронийлар ўзлари тасаввурдаги авлиёларнинг сурати, Исо алайҳиссалом ва Боқира Марям сурати пойида ҳар якшанба кун, гўёки Худога сиғинадилар. Яҳудийлар ҳар шанба кун ийғилишиб Таврот ўқишиб, Парвардигорга сиғинган бўладилар. Буддийлар ҳар хил ҳайкаллар орқали, кришна динидигилар турли номдаги «Худолар» орқали ва ҳоказо.

Лекин мусулмонлар-чи? Исломи дини, «Қуръони карим» таълимоти, Муҳаммад алайҳиссалом ўғитлари Оллоҳга иймон келтирган ер юзидаги барча мўминларни бир кунда беш вақт намоз ўқиш, йилига бир маротаба 30 кун рўза тутиш орқали Худога сиғинишга, қилган гуноҳларидан поклашишга даъват этади. Демак, Оллоҳга сиғиниш қандайдир қабрлар, авлиёлар, анбиёлар орқали эмас, балки тўғридан тўғри Каъбага юзланиб, Яратганинг ўзи билан рўба-рўй бўлиб бир кунда беш маҳал намоз ўқиш билан бўлади. «Қуръони карим»нинг Бақара сурасидаги 153-оятда бундай дейилган: «Эй мўминлар, сабр қилиш, (сабрий бўлиш) ва намоз ўқиш орқали Мендан мадад сўранглар»

Хўш, унда қабрларга сиғиниш, авлиёларга атаб жонлиқ сўйиш қаердан келиб чиқди, дерсиз. Бу одат Исломи динидан анча илгари юзага келганди. Пайгамбаримиз бутун араб оламини бу одатдан қайтартиш учун қанчадан-қанча куч сарфламадилар. Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўз пайгамбарни ишларини тасдиқ этиб, Бақара сурасидаги қуйидаги оятни нозил этади: «У сизларга ўлакани, қонни, тўғиз гўштини ва Оллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларингизга ҳаром қилди» (173-оят).

Маҳмуд Абулфайз куйиниб ёзган, М. Холмуродов ҳимоя қилган авлиё-

дилар, йўл-йўриқ бердилар. Худо йўлига аталган қўй-эчкилар, албатта, сўйилиб, пиширилмиш, бундан зиёратчи ҳам ичиб кетиши кераклиги, нон ва ислар учун дастурхоннинг ўртага ёзилиши, келтирган нарсасидан зиёратчи ҳам истеъмол қилиб, озгина олиб кетиши лозимлиги, қолганини зиёратчилар қадами узилгач, шайхлар олиши жоизлигини айтдилар. Шайх моллардан бири ҳам медитация воситасида Авлиё бобони кўриб, гаплашди.

Хуллас, мақолада даҳриёна кайфиятни илғаш қийин эмас. Мустанкил давлатимизда виждон эркинлиги бор экан. Авлиёлар орқали Худога сиғинишга тил теккизмайлик. Зиёратнинг аҳамияти катта мавзу. Яна бир мисол келтирсин.

Қарши шаҳридан бир ёш бола (бир ёшга тўлмаган)ни даволашга тўғри келганди. Сеанс қабул қилгач, ҳарорати меъёрига тушди. Маълум вақтдан кейин яна кўтарилди. Учинчи муолажани уйларига бориб ўтказдим. Олдинги сеансларда руҳлар касаллиқ сабабини айтишмаганди. Бу сафар онамининг руҳлари тезроқ бир руҳлар ҳақиқа ис чиқаришни айтдилар. Касаллик илдини топиладиган ўхшайди.

Боланинг онаси:— Олдинги фарзандим 2 ёшга етмай у дунёга кетиб қолди. Кейин ният қилдим. Агар навбатдаги фарзандим соғлом туғилса, Хоразмдаги улуғ Авлиёларга зиёратга олиб бораман.

Отаси:— фарзанд соғлом туғилиб, бир ёшга тўлса, Хўжа Убайди Жарроҳ бобога қўй олиб бориб сўяман.

Улар ниятларини айтиши билан боланинг ҳарорати меъёрига тушди, йнғидан ҳам тўхтаб, ухлаб қолди. Мен эса бўйинларингизга олган қарзларингизни узинг, дедим.

МўМИН ХОЛМУРОДОВ

лар қабрига, турли зиёратгоҳларга атаб сўйилган жонлиқлар, ясама шайх ва мулларларнинг ҳаёминини қаптайтираётгани бу қабих одат бундан XIV аср илгари оят билан ҳаром қилинганди. Афсуски, бугун халқимиз маърифатдан кўра бидъатга кўпроқ амал қилишади. Рўзгор ночор, болалар юпун, иймон қувватсиз бўлса-да, оёқ ёки белидаги оғриқдан қутулиш учун 50 минг рублга қўй, 80—100 минг рублга қора мол сотиб олиб, фалончи авлиёга қон чиқарадилар. Қашшоқлашиб бўлган рўзгорни, маънавиятни, маърифатни янада қашшоқлаштиридилар. Беш вақт у ёқда турсин, бир маҳал бўлса-да Яратганга сажда қилиб қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Халқнинг бу заифлигини фойдаланган устамонлар эса, текин бойлик тўплаш учун авлиё-ю анбиёлар қабрини кашф этверадилар.

Мактуб сўнгиде Холмуродов ўзи авлиё бобо билан гаплашганини, бир болани қандай қилиб даволаганини ёзди. Узини билган, маърифатли, эътиқодли одам бу чўпчаларга ишонмайди. Лекин, кўпдан бери касалманд бўлиб юрган, шифоталаб кишилар-чи! Албатта, бу сатрларни ўқиб эрта-инди Холмуродов эшигини қўқиб келиши аниқ.

Экстрасенслар, руҳлар билан мулоқотда бўлиб даволовчиларга, фолбилан, кинначилар, дуоғўйларнинг бозори қаққон бўлган бугунги кунда Маҳсуд Абулфайз ёритган мавзу нақадар зарур эканини англаш энди ойдинлашган бўлса керак. Лекин, бу мавзуга битта мақола билан хотима ясаб бўлмайди. Халқимиз орасида илди этган ҳақ билан ботилин, диний ва миллий урф-одатларни, маърифат билан бидъатни бир-биридан ажраттиш учун ҳали уналма мақолалар ёзилиши керак. Юзлаб кишилар ўз дини, халқи, маданияти тарихидан хабардор бўлмоғи, ёнидаги минглаб одамларга етказмоғи лозим. Ана шунда миллионлаб кишилар авлиёлар қурбонлик сўрашмаслигини, қабрлар ҳеч қандай ёрдам бериш хислатига эга эмаслигини, Яратгандан ўзгага сажда қилишдан наф йўқлигини билиб оладилар.

Шодёнр МУТАҲҲАРХОН ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ «НАВОИИМПЕКС» ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ САВДО ФИРМАСИ

Давлат органлари, sanoat, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа ташкилотлар, қўшма корхоналар, кооперативлар, шунингдек хорижий мамлакатлардаги ишбилармон шерикларга қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ;
- ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ УТКАЗИШ;
- БАРТЕР АСОСИДА ВОСИТАЧИЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ УТКАЗИШ;
- ҚўшМА КОРХОНАЛАР ҚУРИШГА ТАЙЕРГАРЛИК ҚУРИШ ВА ҚУРИШ;
- ТОВАРЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ВА МДҲ БОЗОРЛАРИДА РЕКЛАМА ҚИЛИШ;
- МАХСУЛОТИНИГИЗНИ МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ХОРИЖГА СОТИШ БОРАСИДА МАСЛАҲАТЛАР ВА МАЛИЙ ЕРДАМ БЕРАДИ.

Мурожаат учун манзил: Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги проездеи — 77.
Телефонлар: 3-69-76, 3-04-39.

«ДАВРОН» фирмаси янги вагон-уй сотади. Баҳоси келишилган нарҳда. Мурожаат учун манзил: Муқтаиллик майдони 1-бино. 45-хона. Тел: 39-45-02.

ЭЪЛОНЛАР

Чирчиқ шаҳридаги 76-УМУМ-ТАЪЛИМ МАЪМУРИЯТИ шу мактабни битириб кетган ўқувчиларни 1993 йил 30 сентябр кўни соат 16⁰⁰ да 30 йиллик юбилей кечасига таклиф этади. Манзилми: Чирчиқ шаҳар, Спортивная кўчаси, 19-уй.

Оила

38 ЕШДА

Тошкентлик. Қўли гул пазанда, ўрта бўйли, оқ юзли ёқимтойгина турмушга чиққан олий маълумотли тибби ходима. Маънавий ва жисмонан соғлом (илгари уйланган бўлса ҳам) 40-50 ёш оралиғидаги мўмин-мусулмон инсон билан оила қуриб тинч-тотув яшаб кетишни хоҳлайди. «Оила-247» Сизни кутади.

24 ЕШДА

Бу таклифимни минг истиҳоло билан ёзаяпману лекин дилимда қандайдир ишонч, эзгу ният борлигини яшира олмайман. Чунки оила қуриш истагининг нимаси ёмон. Уй-рўзгор ишларини, бола тарбияламоқни ва умр йўлдошимни эрта туриб қузатиб кеч интизор кўтиб олишни яхши кўраман. Узим ҳақимда: самарқандликман. Касбим — ўқитувчи олий маълумотли. Аёл қалбини тушунадиган вафодор, оилам дейдиган ёшим 25-28 дан ошмаган йигит билан танишиб, оила қуриб бахтли ҳаёт кечирсам дейман. «Оила-248».



ОЛТИН КУЗНИНГ — ОЛТИН БОЛАСИ Абдул Ғани ЖУМА сурати

Дераза

ГАП БУ ЕҚДА ЭКАН!

Фаровон ҳаёти билан машҳур Америкада кейинги пайтда машинасини велосипедга айлантираётган жаноб ва хонимлар тобора кўпаймоқда. Бунинг бир сабаби 70-йилларда нефт маҳсулотлари нархининг ошганлиги, иккинчиси экология билан боғлиқ экан. Бундан қаранг, ушбу мамлакатда кўча ўғриларини тутишда велосипед гоят қулай улов чиқиб қолди. 350 мириаблик депортаменти тартиб посбонлари хизматда ушбу улдовдан фойдаланишмоқда. Чунки велосипедда кетаётганда ўғри тез пайқалар экан.

ДОЛЗАРБ МУАММО

Амрикодаги янги қурилган ҳар уч оиладан иккитаси узоғи билан икки йилдан кейин бузилиб кетмоқда 1992 йил сентябрда ўтказилган текширишларга кўра, касалхонада ётган бемор аёлларнинг учдан бир қисмини оилавий жиноят туфайли яраланганлар ташкил қилади. Эри ёки яқин кишиси томонидан қалтакланиб ўлдирилганлар эса автомобил ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юмган аёллардан анчагина кўп.

ЎЙЛАМАСДАН ИЧКАРИ ХАТЛАЕЛМАЙСИЗ

Биз хорижда кўнгил хушлагандек тамадди қилиб мусиқа, кўшиқ тинглаб мириқиб дам олишга мўлжалланган муассасалар истаганча эканлигини кўп эшитганимиз. Капиталист дегани дам олишни билади. Маскувда ҳам худди шундай илк мусиқий салон очилди. Шаҳар ички ишлар бошқармаси Маданият саройидан ўрин олган ушбу бинога кириш ҳақи 5 (беш) минг рубл. Таклиф этиладиган таомлар баҳоси ҳам шунга яраша: нухатли сосиска — 800 р., товук гўшти таом — 3500 р., бир неча хил закуска — 1000-2000 р., уч хил навли ароқнинг бир шишаси 2000-2500 р. ва ҳоказо.

Бир бурчакка билард столи ўрнатилган. Ишқибозлар, албатта ҳақини тўлаб, бир қўл-бир қўл ўйнаб хуморидан чиқишлари мумкин.

ЯПОНЛАР ЧАРЧАШМАЙДИ

Ривожланган давлатлардан АҚШ, Япония, Англия, Олмон ва Францияда ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишига киши бошига тушадиган даромад бўйича биринчи ўринда турадиган Японияда одамлар ҳаммадан кам саёхат қилар ва жуда кам дам олар экан.

Францияда чиқадиган L Express жаридисининг таъкидлашича, японлар ҳафтада бир кун дам олишларини қўшиб ҳисоблаганда йил даволида 117 кун дам олади, олмонлар эса 155 кун дам олиб, бу давлатлар ичида «карвонбоши». Тадқиқотда кўрсатилшича чет элга дам олиш учун борадиганлар рўйхатида инглизлар биринчи, олмонлар иккинчи, французлар учинчи ўринда турар экан. Японлар эса... яна орқада.

МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

Табриклаймиз!

Ҳаётим қувончи, кўзимнинг оқу қораси ширин қизим ДИЛДОРА! Учинчи баҳорни қаршилаганинг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр, тўла-тўки бахт тилайман. Ҳамиша соғ-саломат бўлиб-қулаб юрсин, даданг БАХТИЕР САПАРОВ. Қашқадарё, Яққабоб тумани.

Муҳтарам ХАТИРА хола-



мизни табаррук 75 ёшлари ва набира тўйлари билан муборакбод этаймиз! Етти фарзандни якка ёл-

ғиз тарбиялаб, камолга етказиб, кўрган заҳматлари роҳату фароғат, тўй-тантаналар билан алмашаётганини шооллоҳ, рост бўлсин. Бундан-да умрлари узоқ, олавлари обрў-эътибор, юзларидан нур ёғилиб юрсин. Жиянингиз ШУҲРАТ.

Азиз устозим ХОЛИҚҲҲҲ



НАЗАРОВ! Сизни юзлаб шогирдларингиз номидан қўлуғ 50 ёшингиз билан табриклайман. Шунингдек бобомиз Ал-Хоразмий сингари мамлакатимиз довуруғини оламга таратадиган ажойиб шогирдлар тарбиялаб етиштиришингизга тилақдошимиз. Ҳайтиқингиз бахт-саодат, қувончу шодликка тўлсин.

Сиздан умрбод миннатдор шогирдингиз ТОЖИДДИН ГАЙБУЛЛАЕВ.

Холажоним

ҲАФИЗА

АБ-



ДУРАҲМОН қизи! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Илоҳим, ҳар доим оилангизнинг суюкани бекаси бўлинг, фарзандларингиз бир умр атрофингизда гирди капалак бўлиб юршингиз Жиянингиз АНОРА, Ш. Тошкент шаҳри.

Самарқанд Давлат Дорилфунунининг Механика-математика куллиети IV-босқич толибаси БАРНО ТҒИЧИЕВАга!

Қадрли синфдошимиз БАРНО! Биз сени 26 сентябр — 21 ёшга тўлган кунинг билан табриклаймиз.

Ўқишларингизни тезроқ муваффақиятга тугатиб, ўз севган касбингизга, бир яхши уйингиз севикли бекаси бўлинг. Ҳаётингиз зумрад булоқлардек тинч, бахт чироғингиз Зухра юлдузидек чароғон бўлсин. Ҳурмат ва эҳтиром ила синфдошларингиз номидан САИДҲАКИМ. Тошкент, Талябалар шаҳарчаси.



Бир оила қуриб, фарзандлар тарбия қилмак ўйланган қадар енгил иш эмасдир. МАТЛУБА опа ва МУХТОР ХОН ака ана шундай бахтга эришишган ҳавас қилса арзийдиган оила соҳибларидандир. Улар 30 йил олдин оила қуриб, доимо ҳамфикр, ҳамроҳ бўлиб 5 фарзандни вояга

етказиб уйли жойли қилдилар. Биз ибратли оилалар қаторида Мухторхон ака ва Матлубахон опани оила қурганликларининг 30 йиллиги билан қутлаймиз. Худойим яна умрингизга умр қўйсин, илоҳ, қўша қарингалар, деб, камол эҳтиром ила қизингиз ДИЛБАР. Тошкент шаҳар, «Аллон» маҳалласи.

Ҳурматли умр йўлдошим

НАСИБА!



Туғилган кунинг билан қутлайман. Сенга мустаҳкам соғлик, тинчлик-омонлик тилайман. Қувончу ва шодлик Сенга ва оиламизга ҳар доим ҳамроҳ бўлсин! Абдуразоқ БУРЛИЕВ, Сирдарё шаҳри.

ЖАРРОҲ ҲАҚИДА БИР ОҒИЗ СЎЗ

Жуманазар ака ўрта бўйдан хиёл баланд, кўз қошию, тана тўши келишган, гоҳат вази, боски, мулоҳазали одам. Табиатда табиатга ошиқлик кучли, адабиётга меҳри мунтазам, сўзи-ю, қўли қудратли (қўли енгил) жарроҳ, шонратнаб эмас, айнан шоирнинг ўзи. Бироқ ашёр билан шуғулланганга сира вақти йўқ — ингирма йилдирки қарийб ҳар кун гулдек нозик уч-тўрт болани тош бағосидан кўтаради. Дарвоқе, «гулдек нозик», «Тош бағоси» каби китоблар муаллифи.

— Жуманазар ака, сиз раҳбарлик қилаётган Тошкент Давлат Педиатрия олийгоҳининг урология бўлимида буйракни оператсия қилишнинг янги усуллари пайдо бўлибди. Бунга айнан Сиз кашф этибсиз. Шу усул ҳақида гапириб берсангиз.

— Маълумки, жумҳуриятимизда буйрак касалликлари Масковга нисбатан 12, Харков, Киевга нисбатан 8, Ереванга нисбатан 6, Оренбургга нисбатан 4 баробар кўп. Кўпчилигининг асосий сабаби: охириги йилларда экология бузилиши, ташқи муҳит мувозонатининг ўзига хос тарзда издан чиқиши. Мана шуларни эътиборга олиб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида ва олийгоҳимизнинг раҳбари Ҳамид Сулаймоновнинг бевосита раҳбарлиги билан клиникамизда Болалар буйрак маркази ташкил қилинди. Марказнинг асосий вазифаси — мана шу касалликларни аниқлаш ва уларни даволашда янги усуллари татбиқ қилиб, амалиётга жорий қилиш. Шу маънода биз ҳам тажрибалир натижасида буйракни даволаш соҳасида янги оператсия усуллари амалиётга жорий қилдик. Буйракнинг жомидан қовуқча ўтадиган йўлида туғма тўсиқлар пайдо бўлади. Натижада буйрак аста-секин: ойлар, йиллар давомида каттарак ўз вазифасини йўқотиб, худди қум тўлдирилган халтачага ўхшай қолади. Агар вақтида оператсия қилинмаса, чора кўрилмаса, буйрак томонан издан чиқади. Бу норасоликни фақатгина оператсия натижасида бартараф қилиш мумкин. Оператсиянинг янгилиги шундаки, биз буйрак жомидан сийдик йўлига ўтадиган қисилди қолган жойни бошқа усулларга қараганда анча кенгайтириб, бир-бирига уламоқдамиз. Мана шу улаш натижасида у ерда яна қайтадан торашиб қолиш асорати бўлмапти. Хориж олимларининг маълумотларига қараганда худди шунанга оператсиялардан кейин қайтадан торашиб қолиш 9 фоиздан 22 фоизгача учрайди. Биз эса шу пайтгача қилган оператсияларимизда ҳали бирорта ҳам торашиб учратмадик.

Агар буйракнинг ҳар қандай касаллиги бола ёшларидек аниқланиб, тўғри ва охиригача даволанса, у инсонга то умрининг охиригача хизмат қилади.

Буйрак-тош касаллиги ўлкамиздаги муҳим муаммолардан бири. Бир солиштириб кўринг: Жанубий Африка мамлакатларида ҳар бир милён одамга атиги битта буйрак тош касаллиги билан оғирган бемор тўғри келади. Жумҳуриятимизда эса катталар орасида ҳар юзтадан учтасида, болалар орасида эса ҳар ўн мингтадан ўн икки-ўн саккизтасида ўша тош учрайди.

Мана шу соҳада ҳам баъзи бир даволаш усуллари қўллаялмики. Жаҳонда одатда, буйрак тўқимасини кесиб, тош олиб ташланади. Бунда тўқимада ҳар хил ўзгаришлар пайдо бўлиб, улар буйракнинг келажақда ишлаб кетишида катта тўсиқлар қилиши мумкин. Шунинг учун биз ҳатто бир яшар, икки яшар, уч яшар болаларда буйракни жойида — тўқимасини кесмасдан, буйрак жомининг деворини кесиб, тошин олиб ташлаш усулини амалиётга жорий қилдик. Натижада оператсиядан кейинги ҳолатлар жуда енгил ўтмоқда. Яна тош ҳосил бўлиши кескин камайди. Кейин яна бир усулни қўлламоқдамизки, бу — икки томонлама буйракда тош ҳосил бўлган ҳолда. Бундан энг аввало жумҳуриятимиз эндокардиология олийгоҳининг ходимлари билан бевосита алоқада бўлиб, олдин қалқонсимон без таварагидеги безчаларнинг функциясини аниқлаб, агарда уларнинг ишлашида қандайдир нуқсонлар сезилган бўлса, шу олийгоҳ ходимлари томонидан керакли муолажадан ўтказиб,

агар керак бўлса оператсия қилиб, даволашга киришмоқдамиз. Илгари биз ўша тошларни олиб ташлагандан кейин кўпчиликда яна тош ҳосил бўлаверарди. Мана шу қалқонсимон без атрофидаги безларнинг функциясини аниқлаб, улар керакли йўналишда даволангандан кейин тош ҳосил бўлиши етти мартаба камайди.

— Буйрак илмига доир халқаро тиббиёт матбуотини кўзатиб борасиз. Жаҳон буйрак илми билан бизнинг буйрак илмимизни қандай қўнсалган бўлардингиз? Яна бир гап. Яқинда Краснодар ўлкасида ўтказилган МДХ давлатлари тиббиёт талабаларининг илмий конференциясида ўғлингиз Зоирбек Сизнинг китобингиздаги гоҳи илгари суриб, фахрли иккинчи ўринни эггаллабди.

— Буйрак касалликларини аниқлаш ва уларни даволашда жаҳон миқёсида жуда катта ютуқларга эришилди. Масалан, компютерли томограф деган тиббиёт аппарати бор. Бу аппарат ёрдамида буйракда зигирча иллат бўлса ҳам унинг клиник белгилари пайдо бўлмасдан анча илгари пайкаб



КЕЛАЖАҚДА КЎРИШАМИЗ

ТИББИЁТДА УЛКАН ЯНГИЛИК ҚИЛГАН ЖАРРОҲ, ЁЗУВЧИ ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР БИЛАН СУҲБАТ.

олиш мумкин. Ундан ташқари шу компютерли томографда ултратовуш аппарати билан биргаликда касаллик энди пайдо бўлаётган маҳалда билиб олиб, уни бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқилган. Хорижда эришилган энг катта ютуқлардан яна бири буйракни кўчириб ўтказиш. Масаласи. Масалан, Америкада ҳар йили 9000 дан ортиқроқ буйракни кўчириб ўтказиш оператсияси бажарилади. Масковда 50-60 тага боради. Бизнинг жумҳуриятимизда шу вақтгача бирорта ҳам буйракни кўчириб ўтказиш оператсияси бажарилгани йўқ. Болалар буйрак маркази очилишининг асосий сабабларидан бири ҳам мана шу буйрак кўчириб ўтказиш оператсиясини йўлга қўйиш.

Бу — жуда ҳам керакли ва жуда ҳам нозик масала. Керакли томони шундаки, буйрак кўчириб ўтказилган беморлар 10-16 ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ йил яшамоқда. Мана шунча йил яшагандан кейин буйрак ўзининг ишлаш вазифасини йўқотса у буйракни олиб ташлаб, яна бошқа бир буйрак қўйиб, бемор умрини яна шунча йил узайтирмоқдалар. Кўриниб турибдики, буйрак кўчириб ўтказиш оператсиясининг келажақи жуда ҳам катта. Бунга муҳтож беморлар жумҳуриятимизда кўп. Бу — ҳозирги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ва шунга кўра биз ўзимизнинг интилишимизни бошлаганимиз. Энди нозиклиги шундаки, бегона буйракни кўчириб ўтказиш учун аввал ўша бегона одамнинг ўзини топши керак. Бу қимлар бўлиши мумкин?

— Дейлик, автоҳалокатга учраган одамлар...

— Ҳа-а. 1989 йилда собиқ СССР бўйича автомобил ҳалокатидан 45 минг киши ҳалок бўлган. 1989 йилда бу 48 мингтага етди. 1990 йилда эса 54 минг одам ҳалок бўлди. Шу 54 мингта одамнинг иккита буйраги 108 мингта бўлади. Энди ўзингиз ўйланг. Агар автомобил ҳалокати натижасида инсон мияси ўзининг ишлаш қобилиятини йўқотган бўлса, минг урининг, энди одам бўлмайди. Бизнинг олдимида фақат иккита буйрак аппарати ётибди, холос. Бошқа бир касалнинг ҳаётини кутқариш керак ахир!

— Демак, ўлиши муқаррар бўлган...

— Нафақат ўлиши муқаррар бўлган, балки мияси ўлган, қарийб марҳумнинг буйрагини кўчириб ўтказиб, иккинчи бир одамнинг ҳаёти кутқариб қолинса, бунга инсониятнинг қонуни-қоидаларига тўғри келадиган сабаб ишлардан бири деб билсак яшай бўларди. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, ҳамдўстлик мамлакатларида ўтказилган тиббий илмий конференцияда фақат ўғлинг Зоирбек эмас, яна тўрт нафар талаба қатнашиб, улар ҳам фахрли ўринларини

эгаллашди. Бизнинг мақсадлардан бири зўр тиббиётчиларни жаҳонга етказиб бериш ҳамдир.

— Кўни кеча мен ўзим гувоҳ бўлган янги усулдан оператсияни ўғлингиз икковингиз қилдингиз. Бунга шарафли сулола десак...

— Шу ерда бир нарсани аниқлаштириб ўтасак. Шўро даврида агар ишчининг боласи ишчи бўладиган бўлса, у ҳар томонлама ёқланарди. Шифокорнинг боласи шифокор, муҳандиснинг боласи муҳандис, умуман, эълонинг боласи зиёли бўлса эса бундан қандайдир бир қитмирик ахтариларди.

— Ҳатто бирга ишлашга йўл қўйилмасди.

— Йўл қўйилмасди. Ҳатто қонун ҳам бор эди: ота раҳбарлик қилаётган клиникада боласининг ишлаши мумкин эмас, деган. Минг хайриятки, замона ўзгариши билан бу турдаги қарашларга бутунлай барҳам берилди. Ўзингиз ўйланг: шифокорнинг оиласида кўпчилик нима ҳақида гап кетади? Касаллар тўғрисида, касалларни даволаш тўғрисида. Шоирнинг уйида шеърят тўғрисида, муҳандиснинг оиласида эса муҳандисликка оид гаплар кетади-да. Мана шу гапларни қулбога қўйиб олган бола қайси касалга меҳр қўяди?

— Оқ халатин кийиб оператсия хонасига кириб юрганмида Жуманазар ака аллақачон «иш» устда экан.

— Ассалому алайкум!!

— Уртоқ Урол Ўзбек, келинг.

Эйтибдор беринг, тошин янги усулимизда оламиз, усулни кейин тушунтираман...

Шундай деди-ю ўзи бор диққат-эйтиборини яна оператсияга қаратди. Қанча вақт ўтди йиллаиди, нариоз ҳидидан ҳўхсиз ётган жажжи беморнинг сийдик йўлидан нақ каптар тузулмида келадиган тошин олганда кўзимни ёш ўрагани жажжи бемор жиянини бўлгани учунгина эмас эди. Шу бор-йўли 4 яшарлик «йигитча»да шунчалик катта тош борлиги-ю ундан умрбод кутулгани учун эди!

Оператсия жараёнини тасвирлашга... юрак бетламайди. Фақат унда қарийб ҳамма: Жуманазар аканинг ўғли Зоирбекнинг ҳам, ҳамшираю анестезиологининг ҳам қандайдир икки завоитрари юзларига уриб турганини айтсак бўлар. Жуманазар ака оператсия чоғи илмин кўз илғамас тезликда тиниб турганда ҳамма енгил нафас олди, камма «ҳўшга келди».

Шундан сўнг Жуманазар ака бундан бир соат олдин профессор Шавкат Ғофуров билан биргаликда оператсия қилишганида олиб ташлаган буйракни кўрсатди. Икки яшар бемор қизинг буйраги нақ ўртача қоинақдай эди. Буйрак — қават-қават пуфакларга айланиб кетган экан...

— Мана 20 йилдирки Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳида [собиқ СаМПИ оинга 35-40 тадан турли хил жарроҳлик оператсиялари ўтказиб, бу соҳада етуклик касб этиб, янгиликлар қилиш билан биргаликда нақ шунча йилдан бери тиббиёт хулосаларинингизни матбуотда гоҳат бадий, образли, йўнда қилиб ёзиб, тушунтириб келасиз. Талай китоблар чоп эттирдигиз. «Оила ва жамият» газети муштарийлари орасида ҳам «Сизни севиб

ўқийдиган» муҳлисларингиз кўп. Шифокорнинг боласи шифокор, шоирнинг боласи шоир бўлади, деган гапингиз оилангизга қай даражада тааллуқли!

— Асосан боланинг келажақда ким бўлиши оилада сайқалланади. Қолаверса, қуш уясида кўрганини қилади деган гап бор. Эътибор берган бўлсангиз машҳур одамларнинг ҳаёт йўлида уларнинг ким бўлиши ота-онасининг ёки энг яқин кишининг ким бўлганлигига қариб тақалади.

Отам адабиётга қизиққан инсонлардан бири эди. Деярли ҳар кун янги бир китоб олиб келиб аввал ўзи ўқиб чиқиб, кейин менга тавсия қиларди. Мана шунинг натижасида мактабни битиргунимча кўпгина шоир-ёзувчиларнинг асарларини кутб билан ўқиганман. Ойбекнинг «Навой» романини 5-синфдагида ўқигандим. Гоҳ уйимизга йўғиларимиз, қариндошларимиз йўғилишган пайтда ўзбек халқ достонларидан «Равшан ва Зулхумор», «Гўрўғли» достонларини товуш чиқариб ўқир эдим. 50 дан, 60 дан ошган боболарим, момоларим кўз ёши қилиб олган маҳаллар мен тўқилганим кетиб, яна бошқачароқ завақ билан достон сатрларини ўқишга киришардим. Уйимизга тез-тез бахшилар йўғилишиб туришарди. Айниқса, Эшонқул Бобоминг «Нуралининг ёшлиги» достонини айтгани ҳозир ҳам кўз олдимда турибди. Балки ана шулар туфайли менда адабиётга ҳавас уйғонгандир.

Тиббиёт ходими бўлишимнинг асосий сабабисини ҳам отам. «Сен келажақда шифокор бўлишинг керак», деб кў-ўп такрорларди. Лекин нима учун мен шифокор бўлишим керак, нима учун отам шу мақсадни ўз олдига қўйган, менга ҳалигача қоронғу. Шунинг учун мен мактабни битиргандан кейин ҳеч ўйламасдан тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширганман.

— Ўзингизда тиббиётга қизиқиб бўлмаганми!

— Энди шу ерда мен ҳаётимдаги бир қизиқ воқеани айтиб берсам. Лениннинг 90 йиллиги нишонланаётган маҳаллар эди. Шунда мен ҳам битта шеър битиб, «Ленин учқуни» газетасига юборганман. Шу шеърни юборганимдан кейин ҳар кун «Ленин учқуни» газетасини кўраман. Гўёки шеърим босилиб чиқади-дегандек. Орадан бир ой ўтгандан кейин менга «Ленин учқуни» газетаси муҳаррири Йўлдошевдан хат келиб қолди. Хатда шундай дейилганди: «Уртоқ Бекназаров, сиз қофияларни бир-бирига келиштириб билан, сўзларни бир-бирига мослаб ёзиш билан шеър ёздим деб ҳеч ҳам ўйламанг. Шеър ёзишингиз учун ҳали кўп меҳнат қилишингиз керак».

БОШИ 6-БЕТДА

Бу жавоб иззат-нафсимга тегди-да хатни йиртиб-йиртиб тандирга ташлади. Отам ишдан келгач, айтишдики: «Шунақа хат кепти» «Қани?» «Йиртиб ташладим». Отам эримай ўша хатларни тандирнинг ичиндан олиб, битта-битта жойига қўйиб, нима ёзилганини ўқиб: «Эй ўғлим, ёмон жавоб келмабди-ку? Барибир сен адабиёт билан шуғулланавер, шеър ёзавер» деди-ю лекин нима учундир ўшандан кейин шеър ёзишдан ихлолим қайтиб кетди. Балким шу воқеа ҳам табобат ходими бўлиб етишимда қандайдир бир туртки бўлгандир.

бўлар экан. Моддалар чақалоқ туғилганидан кейин организмга кирса, унинг мия марказида худди шундай марказ ҳосил бўлади. Табиийки, агар у бошқалардан соғиб олинган сут билан овқатлантирилса, ўшанақа (мехр-муҳаббат) марказига эга бўлмайди. Ва у бола каттаргандан кейин нафақат ўз Ватанига муҳаббати бўлмайди, балки ота-онасига бўлган муҳаббати ҳам анча пасайган бўлади.

Шарқ табobati билан афсуски, анча кеч танишдим. Мана, Ибн-Синоу бошқа табобатларнинг китоблари чоп этилиб, уларнинг улкан ютуқларини ўрганиб билганимдан кейин Оврупо тиббиётининг кўп даволаш усуллари Шарқ табобатидан ўтганлига тан

кетишдан унга нима наф? Ҳолбуки, ўша нажотбахш сўзларни тиббиётдан буткул беҳабар экстрасенслар айтишмоқда. Бу ўринда психиатрик экстрасенслар зиммасига тушмоқда.

— **Баъзан 6 соатлаб оператсия қилар экансиз...**

— Уша 6 соатлаб оператсия қилган вақтлари жарроҳ учун ВАҚТ бами-соли ТУХТАБ ҚОЛАДИ. Оператсиянинг асосий ишини тугатиб, охири чокини қўйгандан кейингина у устолга ўтириб, ўзининг хаддан ташқари толиқганини, чарчаганини ва шу-унча вақт ўтганлигини сезади, холос. Шунинг учун оператсия жараёни жарроҳдан жуда катта қувват талаб қиладиган юмушлардан ҳисобланади. Опе-

— Мен энг ёқтирган нарса бир хилват бўлса-да, ёнимда кичкинагина бир ариқча оқиб ётган бўлса-ю сувнинг шилдираши қўлоққа элас-элас эшитилиб турса. Ҳар-ҳар замонда қушларнинг чўғур-чўғури эшитилса.

Жуманазар аканинг сўзини тинглаяман-у ўзи олисда бўлса ҳам кўнгилга яқин инсон, ёзувчи, олим, ҳоким Жумақул Қурбоннинг: «Менга оқабган сувга тикилиш ёқади. Сувга тикилиб узоқ-узоқ ўтиришни, хаёл суришни ёқтираман. Оқабган сувда нимадир бор», деган гаплари эсимга тушиб кетади. Уяладим: нега қадимги миннаторларда шонру алломою ақли фозил турфа чечакли ям-яшил ўт-ўлан-зорда, аяббатта, ариқчасида сув шилдираб тўлиб оқабган хилватларда тасвирланган! Сурафта диққат билан тикилсангиз, қарасангиз сўзинг ҳам димоғингизга ўша чечаклар таровати уриб, ариқчадаги сувнинг шилдираши элас-элас эшитилгандек бўлади.

— **Жуманазар ака, ўғилларингизнинг отангиз характериға хос хусусиятлари борми!**

— У-ў, қанийди отамдек бўлишса. У киши жуда босиқ эди. Ҳар қандай қийин дамда ҳам бировга ёмонликин раво кўрган эмас. Энг ёқтирмаган одами ёрдам сўраб келса ҳам ҳамма ишини дарҳол йиғиштириб, ўша одамга ёрдамга шошиларди. Ҳаммамизни илм олишга ундаган. Ҳеч ким билан жанжаллашмасди, бировни хафа қилмасди. Кейин жуда ҳалол эди.

— **Ким бўлиб ишлаган!**

— Отам қолхўзда раис ҳам, буюлтир ҳам бўлиб ишлаган. Райпотребсоюзда раис ҳам бўлиб ишлаган. Лекин ҳеч вақт бойлик ортиришни ўйламаган. Отамнинг бировга қаттиқ гапирганини ҳеч ҳам эслолмайман. Жуда юмшоқ фелъ эдилар.

— **Онангизчи!**

— Онам... Онам жуда меҳрибон ва буюк бир соддалиги бор аёл. Ҳар қанақа ишни ҳар қандай вазиятда ўтакетган соддалик билан ҳал қилади. Мана шу хусусиятлари балким бизларга ҳам ўтган бўлиши мумкин.

— **Келгуси режаларингиз ҳақида...**

— Келинг, бу ҳақда келажакда гаплашамиз, кўришамиз.

— **Жуманазар ака, сизга соғлиқ, шилди-шилди оқиб, элас-элас қўлоққа урилаётган тиниқ сув оҳангидай — оҳанраболи умр, жажоки беморларингиз чумчуқ чўғурдай чугурлашиб айтаётган гуррос-гуррос раҳматлари эшитилиб туришини истаймиз.**

— Бу бошқа гап. Раҳмат сизгаям.

Урол УЗБЕК сўхбатлашди

КЕЛАЖАКДА КЎРИШАМИЗ

— **Табии табимас, бошдан ўтган таби, дейишадим. Бу гап сизга қай даражада дахлдор!**

— Олтинчи синфда ўқиб юрган маҳалимда қаттиқ оғриб қолдим. Бўғинларим оғрир, ҳатто юролмаслик даражасига келиб, уйда ётиб қолдим. Дўхтирга кўрсатишди, билишмади, фол очиришди, табибга кўрсатишди — ҳеч қанақа нафи бўлмади. Шу пайтда менинг қўлимга бир китобча тушиб қолди. Китобчани ўқиб: менда ревматизм касаллиги бор экан, деб ўзимга ўзим ташхис қўйдим. Қарангки, ўша маҳал отам Қаршидан иккита кўзга кўринган шифокорни олиб келиб мени кўрсатди. Мен каравотда ётибман, икки шифокор бир-бири билан маслаҳатлашиб, менга ташхис қўйишляпти. Бири у деапти, бири бу. Лекин мен ўйлаган ревматизм сўзи иккаласининг ҳам оғзидан чиқмапти. Мен пойлаб турибман. Кейин мана шу деб аллақандай бир ташхисни айтишди. Мен бошимни улар томонга буриб: «Менинг касалим ревматизм дедим». Иккаласи ҳам донг қотиб қолишди. Кейин қайтадан маслаҳатлашиб: «Эй, бу ревматизм, тўғри, ревматизм», дейишди. Дориларни белгилашди. Кейин мен тузалиб кетдим. Бошдан ўтган таби, деган гап шундай дахлдор.

— **Дўхтир бўлишингизда онангизнинг таъсири йўқми!**

— Онамнинг таъсири бўлган эмас. Ҳатто Тошкентга ўқишга келаётганимни онам билган эмас. Олийгоҳга кирганимдан кейин шу тиббиёт олийгоҳида ўқиётганимни билган, холос.

— **Модомки, гапимиз талабалик даврига бурилар экан, жаҳон тиббиётининг аввали шарқда бўлса-да негидир шарқ табobati олийгоҳда қарийб ўргатилмаслиги маълум. Бироқ Сиз шарқ табобатидан анча кенг хабардор дўхтирлардан бирисиз. Шарқ табobati билан қачондан ошно бўлганлигингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Тиббиёт олийгоҳи дастурида асосан фарб тиббиёт намояндалари қилган ишлари, уларнинг яратган кашфиётлари тўғрисида ўргатилиб, шарқ мутафаккирлари тўғрисида икки оғиз сўз айтиб кетиларди, холос. Шунинг учун биз фарб тиббиёти қонун-қоидалари асосида тарбияланган шифокорлар сирасига кирамиз. Ва охириги йилларгача уларда кўтарилган, амалиётда қўлланган қонун-қоидаларни энг тўғри деб келганмиз. Оддий бир мисол: биз тўртинчи, бешинчи курс маҳалимизда шу педиатрия олийгоҳида айтишган эдик, бола туғилгандан онасидан ажратилиб, тўрт-беш кун ўтгачина онасига бериш керак. У пайтгача бошқалардан соғиб олинган сут билан овқатлантириш зарур, дейиларди. Мана шу қонун-қоидаларга биз риоя қилиб келдик. Лекин бунинг замирида катта бир сиёсий маъно ётганлигини эндигина тушуниб етгаймиз. Масалан, катта бир рус биолог олими Варшавский ўтказган тажрибаларига қараганда она сутининг таркибиде шу болада ўзининг отасига, онасига, туғилиб ўсган жойига, Ватанига меҳр-муҳаббат уйғотадиган ўта фаол моддалар

бердим. Масалан, русларнинг катта олими Пирогов биринчи марта қорин пардасининг ялиғлигини оператсия қилиб даволаш усулини тақлиф этган (XIX асрдаёқ) дейишади. Энди, яқинда Аз-Заҳравий бобомизнинг бир китоби қўлимга тушиб қолди. Аз-Заҳравий Ибн Синодан 40 йил илгари яшаб ўтган катта аллома. Бу алломамизнинг 700 йил (1) илгари яратган «Ат-Тафриф» деган китобиде қорин пардаси ялиғлигининг клиник манзаралари жуда тўғри тавсифланган, уни оператсия усули билан даволаш кераклиги ёзилган экан.

— **Демак, у кишида жарроҳлик асбоблари ҳам бўлганда!**

— Бу улуғ бобомизнинг китобларида 350 дан ортиқ жарроҳлик асбоблари тавсифи берилган. Ҳатто уларнинг расми ҳам чизиб қўйилган. Демак, ўзи қўллаган. Ҳозирги илмий тиббиётда қўлланиб келинаётган игна билан даволаш, рефлектор йўли билан даволаш усуллари ўша Аз-Заҳравий бобомизнинг китобларида айтиб ўтилган ва қўлланган экан. Демак, биз диққат-эътибор билан қарасак, ҳозирги пайтда қўлланаётган аксарият даволаш усули бундан минг йил илгари қўлланган усуллардан бири бўлиб қолди.

— **Сизга аввал турли экстрасенсларга учраб, нажот тополмай, аксинча, боласининг аҳволи жуда оғирлашганда мурожаат қиладиганлар ҳам келиб турадимми!**

— Улар жуда кўп. Ҳатто ўзимиз ҳам баъзи буйрағида тоши бор беморларимизни экстрасенслар олдиға жўнатиб кўрдик. Афсуски, олдимизга йиғлаб қайтиб келишди. Таасуфки, аксарият ота-оналар бизнинг қўлимизга жажоки болакайларини гоят оғир аҳволда топширишади. Мана иккитаси: «Рўхлар боламни эрта даволайди, индин даволайди», деб ўз болаларини ўлдириб қўйишибди.

— **Демак, баъзи экстрасенсларни жиноятчи деб аташ ҳам мумкин...**

— Бунга ҳаққимиз йўқ. Майли уларга ҳалақит бермайлик. Вақти келиб халқ кимнинг кимлигини ўзи ажратиб олади. Ундан кўра халқнинг табобат маданиятини кўтариш керак. Бу энг долзарб муаммо. Бизнинг айбимиз шукки, биз шифокорлар сони билан мақтанишни билдирги сифати ҳақида ақалли бир зум бош қотирмадик. Солиштирайлик: собиқ СССРда ҳар ўн минг кишига 44,6 врач тўғри келган, Россияда — 46,8, Ўзбекистонда — 36,4. Энди эътибор қилинг: Америкада 36, Англияда 22 нафар. Ҳолбуки, Англия билан Америкада тиббиёт ходимлари кам бўлгани билан тиббиёт жуда устун. Дарвоқе, экстрасенсларнинг урчишига ландовур, билмисиз «врачларнинг кўпайиши йўл очиб берапти. Иккинчидан, Америкада ҳар икки врачнинг биттаси психолог — одамнинг руҳиятини яхши тушуниб оладиган дўхтир. Бизда эса руҳий мадад берадиган шифокорлар тайёрлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шифокордан даво излаб келган бемор ундан дардига даво туғул, ақалли яхши сўз, таскин ололмаса, шифокорнинг ўнта ретсепти ёзилган қоғозини олиб

ратсияға чиқаётган жарроҳ биров ва бирон нарсадан хафа бўлиши, салбий таъсир келтирувчи ишлар билан шуғулланиши мумкин эмас. Асосийси, хушчақчақ, кўтаринки руҳда бўлиши талаб қилинади.

— **Собиқ беморларингиз Сиз билан кўришиб туришадими!**

— Беморларимнинг 99,9 фоизи оператсиядан кейин тузалиб кетади. Улардан мен кўплаб хат оламан, уйга келиб туришади. Баъзан, ҳатто тўйларда қатнашиб ҳам насиб қилади.

— **Устозингиз ва биринчи оператсиянги ҳаяжонлари ҳақида нима дея оласиз!**

— Устозим марҳум Карим Ҳожиевич Собиров шундай одам эдики, ўзининг шогирди етарли даражага етмагунча, мустақил бўлмагунча, оператсияға руҳсат бермас эди. Мисол: мен клиник орденатурада келган пайтимда мени мустақил навбатчиликка қўймаган, бир врачга бириктириб қўйган. Бир қанча навбатчиликдан кейингина қақириб сўраган: бунга мустақил навбатчиликни берсак бўлади-ми? Мустақил навбатчилик — мустақил оператсия эмас ҳали бу! Хуллас, биринчи оператсияда каминида ҳаяжонлашиб унча бўлмаган. Оператсия устоди жарроҳлик учун ўзини синиб кўриш майдони эмас. У ҳайвон устида тажриба ўтказётгани ҳам йўқ, ахир! Оператсия бу маҳоратли жарроҳ иши. Энди маҳорат масаласига келсак, бу кўнт билан ўқиб, изланиш, амалиётга тадбиқ қилиш туфайли озага келади.

— **Сиз энг ёқтирган нарса нима! Сиз учун қай маҳал ором олиш кўнгиллироқ!**



Собит МУСАЕВ сурати

— Эртарақ келинг, тагин ўзимга-ўзим пичоқ тортиб юбормай,— деди Донохон эрига эргашиб ҳовлига чиқаркан.— Байрам бирор марта менга ҳам татисин... Ҳа, айтгандай, янги туфлимда михми, бир бало пайдо бўлибди, оёғимга санчилаяпти. Қайтишингизда шуни устага созлатиб келинг...
«Шуни етмай турувди»,— тўнғиллади Даро-

ўтирган жойини қидирди. Йўқ! Каравотларнинг остини қидирди. Йўқ! Қаёққа кўйини мумкин? Аксига олиб Донохон шу туфлисини жонидан ҳам ортиқ кўрарди. Бу ёғи неча пулдан тушди? Дарозали узоқ ўйлади ва охири қўл силтади. Бўлар иш бўлди...

— Бахтингдан айланай, хотин,— деди Дарозали ҳовлиқиб ҳовлига кираркан.—

• ЁЛҒОН •

зали дамини ичига ютиб. Донохон туфлини қоғозга ураб чиқди.

— Юрагимни қон қилманг-да, хўпми! Алвастини қасамини ичиб яна ярим кечада кириб келманг...

— Бўлди! Бўлди! Бугун байрам, вақтли келаман.


Дарозали зарда аралаш кўчага отилди. Чойхонага етиб борганида улфатлари паловхонтурани тайёрлаб туришган экан... Базму жамшид узоқ давом этди. Кунботарга яқин хотинига берган ваъдаси эсига тушиб улфатларидан уэр сўраб, йўлга тушди.

«Ия, хотинининг туфлиси қаёққа қолди?» Яшин тезлигида бу фикр уни йўлдан қайтарди. Чойхонага келиб

Мендан ажраб қолишинга бир баҳя қолди. Мошинда келаётувдим, бирдан «тарақа-туруқ, қасара-қусур, бада-банг» бўлиб кетди. Девдай бир баҳайбат мошин келиб, мен ўтирган томонга «қа-а-арс» этиб урилса бўладими?! Палакатга қара, тўполонда туфлинг эзилиб кетибди, жонивор. Биқинмиқинимга теккан зарб майли-ку-я, лекин туфлига ичим куяди. Яп-янги туфли эди-да, а?

— Вой ўлай, ўзингиз соппа-соғмисиз ўзи?— деди Донохон кўзлари кинидан чиққудай бўлиб.— Соппа-соғ бўлсангиз бўлди, туфли мана, олиб кетишни унутибсиз-ку...

Абдуғани АБДУҒАУРОВ



Муаллиф: Илҳом ЗОИР

...ҚАЕРГА
ЙЎҚОЛДИ!

Йиллик ҳисобот мажлисида, йилгилишни бошқараётган киши ўтирганларга қараб:

— Уртоқлар!— деди дўррилаган овозда.— Кимда қандай савол бор!

Зал сув қуйгандек жим-жит — пашша учса билингудек. У яна саволини такрорлади. Яна жимлик! У жаҳл билан учинчи марта саволини такрорлагач, охири ўриндиқларда ўтирган, ўрта бўйли, оёғин

киши аввал қўлини кўтарди, сўнг ўрнидан турди.

— Ишлаб чиқариш бўлими ходими Турдалиев бўлман,— деди ўзини таништираркан.— Менинг бор-йўғи учта саволим бор.

У «учта саволим бор» дейишга деди-ю, дарров тилини тишлаб, жим бўлиб қолди. Кейин ўзига ярашмаган ҳаракатлар билан қўл силтаб, гапини давом эттирди:

— Биринчи саволим:— Қора молларимиз қаерга йўқолди; иккинчиси,— улар сўйилган бўлса, гўшлари қаерга йўқолди; учинчиси,— бўрдоқига боқилган қўйларимиз қани!

Йилгилишни бошқараётган киши кўзларини ола-кула қилиб ён дафтартчасига алламбалоларни ёзиб олди.

— Саволларингизни ёзиб олдим,— деди у зўрма-зўраки тиржайиб.— Жавобларини кейинги мажлисда айтаман...

Орадан бир ҳафта вақт ўтгач яна мажлис бўлди. Худди ўтган йилгилишдагидек бошқарувчи ўтирганларга савол ташлади.

— Кимда қандай саволлар бор! Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Қани, фаол бўлинглар,— деди бошқарувчи ўтирганларга қараб.— Саволлар борми!.. Ҳа, сиз, ўртоқ, қўл кўтараялсиз, саволлар борми!

— Ҳа, бор,— деди олдинги қаторда ўтирган киши кўрқа-писа ўрнидан тураркан.— Атиги биттагина саволим бор...

— Ҳўш-хўш, эшитамиз. Қани...

— Олдинги йилгилишда савол берган Турдалиев қаерга йўқолди!..

Сайфулло ЛАТИПОВ

ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

Кўктепада янги фолчи чиққан. У эллик сўмга чўнтагингизда қолган бир сўмгача фол очиб беради.

Фолчилар жамияти

* * *

Тижорат дўконига киришдан олдин ва чиқшдан кейин чўнтагингиздаги пулнингизни санаб кўришни унутманг!

Дўкон маъмурияти

* * *

Қатта пулни кўришни хоҳласангиз чўнтагингиздаги майда пулларингизга дурбин билан узоқдан қаранг.

Пул-Кул жамғармаси

* * *

Яқинда олиё табақанинг «олга» ва «Парвоз» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган футбол ўйинида биринчи бўлиб «Олга» жамоаси ҳисобни очди. Ҳисоб: № 00078199301 Қалпоқстрой банки.

Ўйингоҳдаги билдириш

Уста БАҒО ўғли

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҒУБОВ, Фарход РҲЗИЕВ, Мухаббат ИБОВА, Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САҒОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ, Меили ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

бир йўловчи ҳаяжондан қалт-қалт титраркан.

— Жуда соз,— деди учувчи жавобан.— Унда сиз шундоқ сакрайсиз, барибир парашут ҳаммага етмайди.

— Уртоқ ҳайдовчи, мана бу ерга ёзиб қўйибди: «Ил-

чиллик даврида икковлашиб ичаверсак, уйимизни қаердан топамиз?

— Бўган иш бўлди, дада, қўйинг энди бу гапларни, носдан олинг!

Эр:— Тушимда яна тўй-томоша билан гўзал бир жувон-



моқни тортиб, сўнг ойнани чиқарасиз». Бир соатдан буён уринаялман ҳеч чиқариб бўлмапти-ку?!

— Яхшилаб ўқинг, биродар,— деди ҳайдовчи тумшайиб.— «Авария содир бўлганда тортасиз» деб ёзилган. Ҳозир эса бунга ҳожат йўқ.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ

— Ўғлим, кеча сени бироз койиб, хафа қилдим шеклими? Нима қилай, одам бўл дейман-да. Ҳали мактабни битирганинг йўқ-у кунора ичиб келасан. Ҳозирги тақ-

га уйланаётган эмишман... Хотин:— Қаранг-а, худди келашилганидек, тўйимиз бир кечада бўлибди-я!

Нормамат ТОҒА

Пастда турган йўловчи автобусдаги ошнасига бақариб деди:

— Ҳой, Маматқул, бўш жой борми?

— Чиқавер, Боқовий, жой кўй! Қирқ иккинчи размерли ботинкага яна тўртта жой бўш турибди.

Қувондиқ СИДДИҚОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Нормурод МУСОМОВ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-557. 19469 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.